



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2006 ЙИЛ, 6 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

**XXI АСР
САДОСИ**
Барча манбалардан олинган
сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг сессияси бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигида Наврўз айёми ва Соҳибқирон Амур Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган умуммамлакат марафони олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. Марафоннинг республика босқичи 31 март куни бошланиб, 8 апрелда Шахрисабз шаҳрида якунланди.
- Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази билан биргаликда Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги «Саид Овул» фермер хўжалигида ғаллакорларнинг майса парваришига бағишланган кўргазмали семинарини ўтказди.
- Акционерлик-тижорат «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармасида «Замоनावий банк иши» ўқув дастури доирасида Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги мини банклар бошқарувчиларининг ўқув семинари ташкил этилди.
- Жиззах вилояти ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш Республика Вазирлар Маҳкамасининг жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш чораларини кучайтириш учун профилактик тадбирларни янада яхшилаш борасида қабул қилган қарорларининг жойларда қандай бажарилаётганига бағишланди.
- Тошкент вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармасида фотоҳаваскорларнинг Республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танлов хайъати аъзоларининг қарорига биноан Чиноз, Куйичирчиқ ва Бўстонлик туманларининг фотоҳаваскорлари энг юқори ўринларга лойиқ деб топилди.
- Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактабида ўтказилган ҳуқуқий тарғибот тадбири «Ўсмир ва қонун» мавзусига бағишланди. Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, республика прокуратураси ҳамда туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган тадбирда туман прокуратураси, ички ишлар, халқ таълими бўлиmlарининг масъул ходимлари, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича туман комиссиясининг аъзолари, «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этишди.
- «Ўзбекизуризм» миллий компаниясида мамлакатимиз туризм соҳаси фаолиятининг 2005 йил якунлари ва галдаги вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.
- Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жорий йилда «Самарқанд-Симферополь» ва «Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Урганч» йўналишлари бўйича янги парвозларни йўлга қўяди. Компания баҳорги-ёзги масъулият бўлимида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» хизмати билан фойдаланувчилар сони кўпайиши туфайли ушбу тадбирни амалга оширишни режалаштирди.
- Қашқадарё вилоятида «Умид ниҳоллари — 2006» спорт мусобақаларининг финал босқичига тайёргарлик қўриш ва уни юқори савияда ўтказиш мақсадида хайрия ҳашари ташкил этилди. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, вилоятдаги ташкилот, корхона ва муассаса ходимлари шу куни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш каби юмушларни амалга оширдилар, эҳтиёжманд оилалар уйлари билан таъмирлашга кўмаклашдилар.
- Тошкентдаги Республика олимпия заҳаралари коллежида эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилиги якунланди.

Ўзбекистонда тайёрланган «МЕНИНГ ОРЗУМ» МАХСУЛОТЛАРИ

2003 йили «ТОШМАРҒЁ» корхонаси негизда ташкил қилинган «ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ БИР ҚИСМИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАР ТОМОНИДАН СТОБИ ОЛИНГАН БЎЛИБ, БУГУНГИ КУНДА УНИНГ НИЗОМ ЖАМҒАРМАСИ ЯРИМ МИЛЛИАРД СЎМНИ ТАШКИЛ ҚИЛМОҚДА.

Корхонада ҳар йили «Менинг орзум» савдо маркаси билан 50 минг тоннага яқин ўсимлик ёғи, маргарин, майонезлар ҳамда умумий қиймати 25 миллиард сўмга тенг озиқ-овқат компоненти ҳисобланмиш аралашма ёғ ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада 1000 нафарга яқин малакали мутохассислар юқори сифатли махсулотларни мамлакатимизнинг турли ҳудудларига, шунингдек хорижга ҳам етказиб бериш мақсадида фаолият юритмоқдалар.

Бугунги кунда «Тошкент ёғ-мой комбинати» акциядорлик жамиятида асосий эътибор корхона моддий-техник негизини ривожлантириш ва модернизациялашга қаратилмоқда. Шу мақсадда 2004 йилнинг ўзида 300 минг АҚШ долларини миқдорига маблағ сарфланди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз — ички ва албатта ташқи бозорда ҳам ўз ўрнига эга бўлаётган махсулот турларини кўпайтириш билан бирга ишлаб

чиқариш жараёнига замонавий асбоб-ускуналар татбиқ этишга йўналтирилган, — дейди «Тошкент ёғ-мой комбинати» АЖ бошқаруви раиси М. Раҳимов. — Корхонамиз қисқа вақт ичида истеъмолчиларга «Менинг орзум» белгиси билан экологик тоза ва юқори сифатли махсулотларни тақдим эта бошлади. Уйлаймики, ҳар бир уй бекаси яқинлари, фарзандларига «Менинг орзум» маргаринларини майонезларидан фойдаланган ҳолда маза-ли пишириқлар ва салатлар тайёрлашни орзу қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш кераки, «Менинг орзум» белгиси билан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ISO 9001 сифат рақами билан тасдиқланган, бу эса улар исон саломатлигига фойдали эканлигиндан далолат беради.

— Маълумки, таомларда пахта ёғининг ишлатилиши мамлакатимизда анъанага айланиб қолган, — сўзида давом этади М. Раҳимов. —

Дарҳақиқат, ўзбекларнинг сеvimли таоми — ош айнан пахта ёғидан тайёрланиши билан мазалидир. «Менинг орзум» ёғи тўлиқ маҳаллий хом ашё — ҳидсизлантилган пахта ёғидан тайёрланади. Ёғлиги 82 фоиздан иборат маргарин ҳам табиий ўсимлик ёғи ва мойи аралашмаси ёрдамида ишлаб чиқарилади. Унинг таркибига кокос, пальма, кунгабоқар, соя ёғлари ҳам қўшилади. Бундай хушбўй қўшимчалар эвазига маргаринда сариёғ таъми муқаммас. Ёғлиги 67 фоизни ташкил қилаётган юқори калорияли турли хил майонезлар аънаваний равишда ўсимлик мойлари, тухум оқи, қурут сут, шакар ва бошқа масалликлардан тайёрланади. Айниқса 200 граммли ишлаб чиқариш ва 1 литрли пластмасса идишларида қадоқланаётган провансаль майонезлари ўзининг доимий ҳаридорига эга. Бундан ташқари, қўриқоринли, лимонли майонезлар ўзининг ажойиб таъми ва мазаси билан ҳам бошқалардан ажралиб туради.

Шу кунларда корхонада «Менинг орзум» белгиси билан яна бир неча янги турдаги махсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда.

Оразул РУСТАМОВА
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қурулли Кучлари сафаридан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилинсин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг қақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрель-май ойларидан муддатли ҳарбий хизматга қақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақирилган муддатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу қақирув мوبайнида Қурулли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик қақируви резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги қақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, қақирулувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий куриқдан ўтказишини, уларнинг маънавий-руҳий фаолиятлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонуниликда белгиланган танловнинг ҳарбий-қасбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қурулли Кучлардан резервга бўшатирилган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгалланган ҳарбий ва фуқаролик мутохассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдидан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий ҳавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги 84-сон қаро-

ри талабларига қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга қақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни; армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни қўтиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиетда ўтказишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга қақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ваётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридан муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни қақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси якунларини чиқарсин;

мусобақа гойлибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутсин ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга қақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қурулли Кучлар резервга бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда қўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминламаган бўлимлар ва уларнинг раҳбарлари ишга танқидий баҳо берилинсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га қақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрланишнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга қақиришнинг амалга оширилишини, қақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик қақируви резервдаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қурулли Кучлардан резервга бўшатирилган ҳарбий хизматчиларни жойларда қўтиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммовий ахборот воситаларида кенг ёритиш тасвир этилинсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Миллий ҳавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 март.

ПОЙТАХТНИНГ Бир куни Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

- ЭРТАГА Бектемир туманидаги «Қўйлиқ буюм бозори» масъулияти чекланган жамиятидаги туҳта хокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорликларида ўтказиладиган тадбир «Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият» деб номланади.
- БУГУН Тошкент матбаа-ноширлик коллежида «Маънавият ва маърифат» марказининг Шайхонтоқур туман бўлими ташаббуси билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказилган тадбир «Аёл борки, олам мунаввар» деб номланади.
- БУГУН 59-мактабда «Она қалби — меҳр булоғи» мавзусида ўтказилган тадбирда ўқувчилар, ўқитувчилар иштирок этишди.
- БУГУН Марказий Офицерлар уйида «Камолот» ЕИХ Юнусобод ту-

ман бўлими ҳамда «Маҳалла умидлари» маркази ҳамкорликларида ташкил этилган «Маҳалланинг намунали қизи» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

• МИЛЛИЙ матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, Журналист аёллар клуби ҳамкорликларида «Атиргул» танлови гойлиблари тақдирланди.

• МИРЗО Улуғбек туман ўқувчилар ижодий марказида «Камолот» ЕИХ туман бўлими ҳамкорликда ўтказилган кўрик-танловда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари қизлари беллашишди.

• 8 МАРТ — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан 248-мактабда ёшлар ва ўқитувчилар иштирокда ўтказилган кўрик-танлов «Сиз гўзал аёл ва мураббийсиз» деб номланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

ЎЗБЕКИСТОН ЯҒОНА ХИТӨЙ ТАРАФДОРИ

БИР НЕЧА КУН АВВАЛ ТАЙВАНЬ РАҲБАРИ ЧЭН ШҮЙБЯНЬ МИЛЛИЙ БИРЛАШУВ КЕНГАШИ ФАОЛИЯТИ ВА «МИЛЛИЙ БИРЛАШУВ ДАСТУРИ»НИ ТЎХТАТИШ ТЎҒРИСИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Маълумки, Ўзбекистон ҳукумати 1992 йил 2 январь кундаги Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида Дипломатик муносабатларни ўрнатиш тўғрисидаги қўшма коммюнике ҳамда 2005 йил 25 май кундаги икки мамлакат ўртасида Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартномада қайд этилган ХХР ҳукуматининг Тайвань масаласидаги ёндашувини изчил ва қатъий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Мазкур ёндашунинг асл моҳияти шундаки, ХХР ҳукумати бутун Хитой номидан вакиллини амалга оширишлар, Миллий бирлашув кенгаши фаолиятини ва «Миллий бирлашув дастури»ни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қораланади ва ХХРнинг бу масаладаги сиеёсатига қарши йўналтирилган хатти-ҳаракатлар қабул қилинмайди.

Бу ёндашув 3 март куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Элёр Ганиевнинг ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Юй Хунцзянь билан учрашуви чоғида изхор этилди. Сўбат давомида томонлар келажакда ҳам Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги сиеёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятини яна бир бор таъкидладилар.

Ўзбекистонда «иккита Хитой» ёки «битта Хитой ва битта Тайвань»ни яратишга қаратилган ҳар қандай уришишлар, Миллий бирлашув кенгаши фаолиятини ва «Миллий бирлашув дастури»ни тўхтатиш тўғрисидаги қарор қораланади ва ХХРнинг бу масаладаги сиеёсатига қарши йўналтирилган хатти-ҳаракатлар қабул қилинмайди.

Бу ёндашув 3 март куни Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Элёр Ганиевнинг ХХРнинг Ўзбекистондаги элчиси Юй Хунцзянь билан учрашуви чоғида изхор этилди. Сўбат давомида томонлар келажакда ҳам Ўзбекистон ва ХХР ўртасидаги сиеёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфатли ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ниятини яна бир бор таъкидладилар.

«Жахон» АА

ЖАҲОНДА

Москвада ташкилот сиеёсий бюроси раиси Халед Машаал бошчилигидаги ХАМАС радикал гуруҳи делегацияси аъзолари билан музокаралар бўлиб ўтди. Сафар давомида делегация аъзолари нодавлат ташкилотлари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказишди.

• Америка разведкаси кўлга киритган маълумотларга қараганда «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти Ироқнинг турли ҳудудларида бир вақтнинг ўзида катта портлашларни содир этишга тайёргарлик кўрмоқда. CBS News телеканалининг Пентагондан олинган манбага асосланиб тарқатган хабарига айтилишича, террорчилик хуружлари мамлакатда фуқаролар урушининг бошланишига сабаб бўлиши мумкин.

• Россия Федерациясининг Волгоград областида рўй берган кучли қор бўронлари оқибатида 66 та аҳоли яшаш пункти электр қувватисиз қолди. Кўчалардаги автомобиль ҳаракатида узлишлар юзага келди.

• «Times of India» газетасининг хабар беришича, Ҳиндистон ҳукумати мамлакатдаги 14 та ядро объектларига халқаро инспекторларнинг киришига рухсат беради. Бироқ манбада келтирилишича, баъзи маҳфий ҳарбий иншоотларда МАГАТЭ ходимлари текшириш ўтказишига йўл қўйилмайди.

• Ироқ маъмурияти мамлакатда рўй бераётган зўравонликларнинг олдини олиш мақсадида кўчаларда кундузи автомобиль қатновини тақиқлаб қўйди. Тақиб Бағдод ва пойтахт яқинидаги шаҳарларга тааллуқлидир. Тақикни бузган шахсларнинг машиналари полиция томонидан «жарима майдони»га тортиб қўйилади.

• Японияда дунёдаги энг тез юрар электр поезднинг тақдими бўлиб ўтди. «Фастек» деб номланган бу электр поезд Сендай ва Питаками шаҳарлари оралиғидаги йўлда ўтказилган синовда тезлигини соати га 366 километргача чиқарди. Гувоҳларнинг таъкидлашича, тезлик соати га 300 километрдан ошганда, поезд энгил титраган.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Ўз қариндошларидан алоқа узиш дунё лаззатларидан кўз юмишдир. **Яхши қўшни яхши йўлга бошлайди. Яхши кунда ёт яхши, ёмон кунда "вой қардош".** Қўшни ёмон бўлса, яхши қўшнинг ҳам обрўйи пастлайди.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Қўшнинг ҳақ-ҳуқуқларидан бирини айтсам, бу қўшмага ҳеч вақт озор бермаслик ва хафа қилмасликдир. Қўшни касал бўлса, ундан ҳол сўраш, бошига мусибат туғса ёрдам қилиш, ғамли ва шодлик кунларидан ғам-шодлигига шерик бўлиш, ундан хато ўтса кечирish, ахлу-аёлига ёмон кўз билан қармаслик, бирор ёққа кетса уйдан хабардор бўлиб туриш, буларнинг ҳаммаси ҳам қўшнинг ҳақ-ҳуқуқларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, қўшни қарз сўраса, қарз берилса, мева-чева терилса, мева билан йўқланади.

Бир киши бир доно олдиға келиб, ундан: — Айтинг-чи, мен яхши одамманми ёки ёмонми, бунни қандай билса бўлади? — деб сўради.

— Қўшнилариңдан сўра, агар улар сени яхши десалар, демак яхсиан! — деб жавоб берибди доно.

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Қариндош-уруғ киши учун қанот, дўстлар эса қурашда қуролдир.

"МАХЗАН АЛ-УЛУМ"

Қарасангки, қўшнинг соқолини олибди, сен ҳам соқолиңгни қисқартир.

"ОТАЛАР СЎЗИ"

Келса биров йўқланиб, Бергил яхши озук, нон. Қарғаб кетар меҳмонлар, Кутар бўлсанг гар ёмон.

Махмуд ҚОШГАРИЙ

Кел,эй оқил, буюрсанг ақлинг ишга, Ўзингдин кетмагил доно демишга. Агар боло чиқиб, кетсанг ўзунгдин, Йиқилгайсан тойиб ерга юзингдин.

Сўфи ОЛЛОЁР

Отадан ёш қолган—ақлдан бўш қолган.

"ҚЎРҚИТ ОТА КИТОБИ"

Яхшиликнинг энг улуғи — отаси вафотидан сўнг ҳам унинг дўстлари билан алоқани узмасликдир.

ХАДИС

Сухбатга арзимас ҳар бир қора дил, Сухбат учун яхши дўстлар пайдо қил!

Муҳаммад ХУСАЙН

Фазл аҳлига ҳамсуҳбат бўлмоға ибo қилма, Ким, бўлғусидур ортарга ибo боис.

ОГАХИЙ

Ўзингни ёмон кишилар суҳбатидан узоқ тут, чунки ёмон кишилар суҳбати жаҳаннам ўтидан ҳам ёмонроқдир. Хар суҳбатнинг бир таъсири бўлади. Чунончи, яхши кишилар суҳбати фазилатни оширсан, ёмон кишилар суҳбати заҳматни оширади.

Муҳаммад ХУСАЙН

Суҳбатни гулистонда соз айлабон айланг соз, Ҳам соқийи гулчехра тутсун майи саҳбони.

БАЁНИЙ

Қозонга яқин юрсанг қораси юқар, деб бежиз айтмаганлар. Шуниг учун доимо яхши кишилар билан суҳбатдош бўл, бeбoш ва ножинс кишилар суҳбатидан парҳез қил! Назм:

Ножинс кишилардан айлагин парҳез, Сахийлар қўйида манзил тут ҳар кез. Паст билан паст бўлгунг, ёмонла ёмон, Яхшидан яхши-ю, марддан қахрамон!

Муҳаммад Жавҳар ЗАМИНДОР

Навои мутрибу хуш мажлис, анжуман яхши.

ХУВАЙДО

Яқинлар суҳбатини излаб, фиску-фужур аҳлидан қоч, сабр қил, шoқалоқликни одат қилма, синрингни ҳар кимга айтма, молингни ўйлаб харж қил.

"МАХЗАН АЛ-УЛУМ"

Ҳаромини суҳбатга ёр айлама, Илон асрогон қайдадур бегазанд.

МИРИЙ

ХИКМАТ. Сахий ва олижаноб кишилар билан суҳбатдош бўлмоқ кишини ёқимли феъл ва чиройли хислатларга рағбат қилдиради. Ёмон феъллик ва фасод табиатлик кишилар билан бўлган суҳбат эса ёқимсиз сифат ва қабих иллатларга етаклайди. Ёмонлар билан яхшилар суҳбати орасидаги фарқ ва улар билан қилинган суҳбат таъсири худди шoмoл қабидир. Шoмoл ёмон жойдан ўтиб қолса, бадбўй хидларни олиб келади. Агар ширин хидли жойлардан ўтиб қолса, муаттар исларни келтиради. Байт:

Ҳар кимнинг бор экан танида жони, Ким билан сўзлашса, таъсири урар. Ёмонлик бўлмаса кимнинг афзоли, Доим яхши билан хуш суҳбат қура!

Мажидиддин ХАВОФИЙ

Азизим, жоҳил ва ноахил кишилар суҳбатидан қоч, оқил ва камил кишилар суҳбатиға интилингки, фиску-фужур ахлининг суҳбати бир кунни ўзингга зиён келтирувчи илон суҳбатиға ўхшайди. Ақли кишиларнинг хизматиини қилиш фойдадан холи бўлмаган аттор дўконига ўхшайдики, атторнинг дўкони ҳамиса кишиларнинг димоғини ўз хиди билан баҳраманд этади.

Байт:
Аттор каби бўлгин, чунончи аттор, Ўзгалар либосини қилар муаттар!

Хoжa Самандар ТЕРМИЗИЙ

Махмуд ХАСАНИЙ, Ҳамиджон ХОМИДИЙ тайёрлашган.



«Хунар — хунардан ризқинг унар», — деб бежизга айтилмаган.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА ИШЛАШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ УЧУН ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

Очиқ тендерда мулкчилик шаклидан қатъи назар, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳарда йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси мавжуд (тавсия қилинадиган хар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлиши шарт), юридик шахс мақомига эга бўлган ташувчилар иштирок этиши мумкин.

- 132 й.т. «Қўйлик бозори АШБ - Оҳангарон кўчаси»
- 134 й.т. «Москва остонаси АШБ - Юнусобод 19 даҳа АШБ»
- 120 й.т. «Беруний метро бекати - Юнусобод 6 даҳа АШБ»
- 144 й.т. «Шахристон АШБ - Гулистон маҳалласи»
- 161 й.т. «Юнусобод 6 даҳа АШБ - Мустақиллик метро бекати АШБ»
- 121 «Иза микрорайон - Юнусобод 10 даҳа АШБ»
- 94 й.т. «Чорсу савдо маркази АШБ - Қорақамиш 2/3 даҳаси»
- 13М й.т. «Қадишев АШБ - Юнусобод 6 даҳа АШБ»
- 14М й.т. «Чилонзор 25 даҳа АШБ - Қўйлик-2 АШБ»
- Автомобус йўналишлари:
- 133 «Олой бозори АШБ - Ғ.Абдуллаев маҳалласи»
- 174 «Чилонзор 25 даҳа АШБ - Бўзсув маркази»
- 180 «Қўйлик бозори АШБ - Уртасарой»
- Тендер ташкилотчиси - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 31 январдаги 11-сонли қарори асосида Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти.
- Тендерда иштирок этишни хоҳловчилардан буюртма-номаларни қабул қилиш ва тендер ҳужжатлари пакетини бериш тендер ўтказилишидан 5 кун олдин тугалланади.
- Тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги «Ташки иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Бош Амалиёт Бўлими»даги 20210000504461351001 х/р (банк коди 00407, ИНН 204094453, ХХТУТ 51600)га 26 минг 450 сўм ўтказилади.
- Тендер тақлифларини қабул қилиш тендер ўтказилишдан кундан бир кун олдин (соат 17-00да) тўқатилади.
- Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, А.Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.
- Маълумот учун тел: 133-89-58, 136-00-91.

«ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИГА БИНОАН 2006 ЙИЛ 4 АПРЕЛЬ КУНИ АКЦИЈАДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ УМУМИЙ МАЖЛИСИ ҚЎЙИДАГИ МАНЗИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, УЧТЕПА ТУМАНИ, ЧИЛОНЗОР Г 9А МАВЗЕСИДА ЖОЙЛАШГАН ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ИДОРАСИ БИНОСИ. МАЖЛИСНИНГ БОШЛАНИШ ВАҚТИ 12.00. АКЦИЈАДОРЛАР СОАТ 11.00 ДА РҲҲАТДАН ҲЎТДИЛАР.

- КУН ТАРТИБИ:**
- «Фарҳод деҳқон бозори». ОАЖнинг 2005 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раиси в.б.нинг ҳисоботини кўриб чиқиш.
 - Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик ҳулосасини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг 2005 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
 - Жамият Кузатув Кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботини кўриб чиқиш.
 - Жамиятнинг 2005 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича жамият балансини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг 2005 йил молиявий-ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар

- миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2006 йилги иш режасини (бизнес режа) тасдиқлаш.
- Жамият бошқаруви раисини сайлаш.
- Жамиятнинг 2006 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
- Жамиятнинг 2006 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш ҳамда аудиторга тўланадиган хизмат ҳаққини белгилаш.
- Жамият Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш.
- Жамият Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
- Кузатув Кенгаши аъзоларини тақдирлаш ҳақидаги низомни (яни таҳрирда) тасдиқлаш.
- Жамият ҳудудида ижарага берилган жойлардан

ундириладиган тўловларни тасдиқлаш.

Мажлиса акциядорлар реестрининг 2006 йил 4 март ҳолатига кўра унга кирган акциядорлар ёки уларнинг вакиллари (нотариусда тасдиқланган ваколатнома бўйича) қатнашишлари мумкин.

Кузатув Кенгаши.

Минг сўм

Актив	Пассив
Асосий воситалар 2347070,1	Устав капитал 55000
Қап.қўйилмалар 378963	Резерв капитал 2933,8
Шенние бумаги 5759	Тақсимланмаган фойда 15619,6
Тонарлар 4359,1	Миждакни тушумлар 2884087,9
Ишлаб чиқариш захиралари 6955,7	Кредиторлар 10916,8
Пул маблағи 3656,3	Жами 2768558,1
Дeбитoрлар 21794,9	
Жами 2768558,1	Соф фойда 15619,6

«ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АКЦИЈАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 09

Умумий мажлис тури: Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий мажлиси.
Умумий мажлис ўтказилган вақт: 2006 йил 24 февраль
Умумий мажлис ўтказилган манзил: Жамиятнинг Тошкент шаҳар, Учтепа туман Г 9А мавзесида жойлашган маъмурият биносида.
Умумий мажлисда қатнашганлар: 465807 овозга эга 6 та акциядор.
Қворум: 84.69 фoиз
Умумий мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар на-пизжалари:

- ХАБАР ТАРТИБ РАҚАМИ 08**
- Жамиятнинг низом жамгармасини ошириш масаласи: «Рози» — 28050 (60,22%), «Қарши» — 184911 (39,69%), «Бетараф» — 0 овоз билан қабул қилинмади.
 - Жамият низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида. «Рози» — 28050 (60,22%), «Қарши» — 1484911 (39,69%), «Бетараф» — 0 овоз билан қабул қилинмади.
- | | |
|-------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------|
| 3. Жамиятнинг Кузатув Кенгаш таркибига ўзгартириш киритиш ҳақида. | 45843 (9,84%), «Қарши» — 419568 (90,07%) |
| 3.1. Қўйидагилар Кузатув Кенгаш аъзолигидан чиқарилсин. | Т. Исмоилов — «Рози» — 45843 (9,84%), «Қарши», 419568 (90,07%) |
| М. Иноятвoв — «Рози» — 326343 (70,06%), «Қарши» — 139068 (29,85%) | Л. Сағдуллаев — «Рози» — 326343 (70,06%), «Қарши», 139068 (29,85%) |
| Ю. Асилoв — «Рози» — 45843 (9,84%), «Қарши» — 419568 (90,07%) | Р. Абдуллаев — «Рози» — 45843 (9,84%), «Қарши», 419568 (90,07%) |
| «Қарши» — 419568 (90,07%) | Р. Ҳақимов — «Рози» — 419568 (90,07%) |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҚЎЙИДАГИ БЎШ ЎРИНЛАРГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Кафедра мудирлари:**
- «Математика ва табиий фанлар» (1)
 - «Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар» (1)
- Доцентлар:**
- «Қурилиш материаллари ва кимё» (1)
 - «Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш» (0,5);
 - «Математика ва табиий фанлар» (1);
 - «Ўзбек ва хорижий тиллар» (1);
 - «Қурилиш технологияси ва ташкилиети» (1).
- Катта ўқитувчилар:**
- «Шаҳар қурилиш ва ҳўжалиги» (1);
 - «Фалсафий ва ижтимоий-сиёсий фанлар» (1);
 - «Бино ва иниоотлар ва қурилиш конструкциялари» (1);
 - «Инженерлик коммуни-кацияларини лойиҳалаш, қурилиш ва фой-даланиши» (1);
 - «Архитектура тарихи ва назарияси» (1);
 - «Архитектура муҳитла-ри дизайни» (1);
 - «Математика ва таби-ий фанлар» (1);
 - «Қурилиш механикаси ва иниоотлар зилзилабардошлиги» (1).

Кафедра мудирлари лавозими танловида фан докторлари, профессорлар ёки фан номзодлари, доцентлар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун. Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент ш., 700011, Навоий кўчаси, 13-уй, хoдимлар иш юртиш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 41-11-82, 144-18-78, факс 41-80-00

«Парвози Хумо» МЧЖнинг 2004 йил 2 ноябрда Миробод туман инспекцияси томонидан рўйхатга олинган реестр рақами 000614-03 гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г-506

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табақ офсет усулида босилади. 5218 нусхала босилди. Қoғoз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашриг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаминта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси бошмақомисси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.